



TRANSPORT KORXONALARIDA IQTISODIY TAHLILNI TASHKIL QILISHNING NAZARIY MASALALARI

Бабахалов Нарбута Эшназарович -
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a56

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодий таҳлилни ташкил этишининг айрим масалалари, жумладан темир йўл транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш масалалари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаси ва у бўйича айрим назарий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий таҳлил, бухгалтерия ахбороти, қарор қабул қилиш.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА НА ТРАНСПОРТНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Бабахалов Нарбута Эшназарович -
Независимый исследователь ТГЭУ

Аннотация. В данной статье представлен результат проведенных исследований по отдельным вопросам Организации экономического анализа, в том числе по вопросам Организации экономического анализа на складах железнодорожного транспорта, и сформулированы некоторые теоретические выводы по нему.

Ключевые слова: экономический анализ, бухгалтерская информация, принятие решений.

THEORETICAL ISSUES OF ORGANIZATION OF ECONOMIC ANALYSIS IN TRANSPORT ENTERPRISES

Babaxalov Narbuta Eshnazarovich -
The e. TSUE independent researcher

Annotation. In this article, the result of the research conducted on some issues of the organization of economic analysis, including the organization of economic analysis in railway works and some theoretical conclusions on it are formulated.

Keywords: economic analysis, accounting information, decision making.

Кириш. Ҳар қандай тармоқ ёки соҳада қайсидир маънода таҳлил ишларининг ташкил этилиши, таҳлил натижасида шу тармоқ ёки соҳани ривожлантиришга қаратилган қарорлар қабул қилиниши бевосита мана шу таҳлилни амалга ошириши жараёнида қўлланиладиган усуллар, мазкур усулларни қўллаш жараёнида фойдаланилган ахборотлар ҳамда мана шу ахборотларни қайта ишлаш вақтида қўлланилган формулалардан қанчалик тўғри фойдаланилганлиги билан аҳамиятли ва муҳим ҳисобланади.

Шу боис, бизнинг фикримизча, темирйўл транспорт корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этишда биринчи навбатда таҳлил учун ахборотларни тўғри шакллантириш, унинг манбаларини ишончилигини текшириш, энг муҳим масалала ҳисобланади.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий таҳлил учун асосий ахборот манбаи сифатида субъектнинг молиявий, статистик ва солиқ ҳисоботлари ҳамда корхона иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш учун зарур бўлган бошқа иқтисодий маълумотлар қаралади. Бундай ахборотлар доимий равишда нафақат корхона молиявий ҳолатига баҳо бериш,

балки уни бошқаришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув жараёнидаги ахборотнинг зарурияти ва унинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолияти натижадорлиги, самарадорлигига таъсирининг ошишига олиб келади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ахборотнинг, айниқса бухгалтерия ҳисоби ахборотининг зарурияти хусусида кўплаб илмий тадқиқотларда турли мулоҳазалар келтирилган.

Д.Овидиянинг фикрича, барча муҳим маълумотларнинг тахминан 50 фоизини асосан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари эгаллаган. Муаллифнинг фикрига кўра, ташкилотларда бошқарув тузилмалари учун бухгалтерия маълумотларига бўлган талабнинг улуши юқори[1].

Бизнинг республикамиздаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига баҳо бериш, таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра қабул қилинадиган қарорлар, чора-тадбирлар ҳам айнан бухгалтерия ҳисобидан олинган ахборотларга таянади. Юқоридаги муаллиф фикрида келтирилгандай бу кўрсаткич умумий фойдаланиладиган ахборотнинг 50 фоизидан кўп бўлса борки, кам эмас.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни 5-моддасига кўра, бухгалтерия ахбороти бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосланган, бухгалтерия ҳисоби регистрларида, молиявий ҳисоботларда, тушунтиришларда ҳамда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда акс эттириладиган бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги қайта ишланган маълумотлар бухгалтерия ахбороти ҳисобланади [2]. Қонунда бухгалтерия ахборотига берилган таърифдан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги қайта ишланган маълумотлар бухгалтерия ахбороти ҳисобланади. Шу боис, бухгалтерия ахбороти хўжалик юритувчи субъектларнинг барча иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаб бериш учун асос ҳисобланиб, бундай ахборотсиз субъектларнинг иқтисодий ҳолатини баҳолаш имконияти йўқ.

Қонунда келтирилган бухгалтерия ҳисобининг объектлари, яъни, активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, зарарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари тўғрисидаги қайта ишланган маълумотлар бухгалтерия ахбороти ҳисобланади. Бу ахборотларга иқтисодий таҳлилда зарурият юқори ҳисобланади.

Лане ва Дурден фикрича, “Бухгалтерия ҳисоби тизими ташкилотнинг муҳим манбаи ҳисобланади, чунки у қарор қабул қилиш учун бошқарув амалиётини зарур маълумотлар билан таъминлайди. Шунингдек, у маълумотлар ва маълумотлардан фойдаланишда ушбу ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш мақсадида ўз имкониятлари ва ресурсларини ва уларнинг иш йўналишларини мувофиқлаштириш бўйича ташкилотнинг яхлит кўринишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Ташкилот учун баҳоларни белгилаш тўғрисидаги қарор тўғридан-тўғри унинг даромадига таъсир қилади. Баҳолар ва ҳажмлар даромадлар тенгласининг икки таркибий қисмидир ва бирига эътиборни танлаш бошқасига бевосита таъсир қилади деб таъкидлайди [3].

Скиннер эса, агар нарх жуда юқори ўрнатилган бўлса, мижоз юз ўгириши мумкин, аммо юқори нарх мижознинг истаги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкинлигини эслатиб ўтади [4].

Юқоридаги муаллифларнинг фикрича бухгалтерия ахборотининг зарурияти ташкилотлар томонидан маҳсулот, иш ва хизматларнинг нархи, баҳосини чиқаришда ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга даромадлар билан нархни белгилашдаги боғлиқликда ҳам бухгалтерия ахбороти зарур ҳисобланиши таъкидлашган.

Айрим тадқиқотларда бухгалтерия ахборотлари харажатлар ҳисобини юритиш, харажатларни оптималлаштириш, умуман олганда харажатларни бошқаришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Лангфилд-Смит ва бошқалар харажатларни ҳисобга олиш тизими режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқ қарорлар учун менежерларга маълумот бериш учун мўлжалланган [5].

Алахдал ва Алсамҳининг фикрларича, “харажатлар тизими компания менежменти учун асосий маълумот манбаи бўлиб, унинг асосида кўплаб қарорлар стратегик, айниқса нархлар белгиланади. Шу сабабли, маълумотларда аниқлик йўқлиги қарорнинг ишончли эмаслигини англатади ва қарор қабул қилиш жараёни доимий жараён ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни саноат компанияларининг асосий жараёнидир, харажат тизимлари тегишли қарор қабул қилишда ишончга сазовор бўлган ва мақсадли даврни қамраб оладиган бошқарув маълумотларининг сифатини таъминлашда муҳим роль ўйнайди, ҳатто ушбу тизим томонидан ишлаб чиқарилган маълумотлар ҳам асосан қарорларни қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади” [6].

Дарҳақиқат, ушбу муаллиф фикрини кўрадиган бўлсак, турли қарорларни қабул қилишда ахборотнинг аниқлиги ва ишончлилиги хусусида сўз юритилмоқда. Агар ахборот ишончли ва тўлиқ бўлса, қабул қилинадиган қарорлар ва унинг натижадорлигини таъминланади.

Топор ва бошқалар эса, бухгалтериядан олинган маълумот янги қарорларни ишлаб чиқиш ва пойдеворга қандай таъсир кўрсатишини ва шу сабабли бошқарув ҳисоби билан маълумот ўртасидаги муносабатни яхшироқ тушунишни англадилар ва қарор қабул қилишда бошқарув ҳисоби томонидан тақдим этилган маълумотларнинг самарадорлигини ва ишлаб чиқариш жараёнини тезкор бошқаришга хизмат қилишини таъкидлайдилар [7].

Муаллифлар томонидан ҳам айнан бухгалтерия ахборотларининг самараси ҳақида сўз юритилган бўлиб, бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги боғлиқлик самарадорлигини таъминлашда бухгалтерия ахбороти муҳим эканлиги ҳамда ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришда муҳим эканлигини келтириб ўтадилар.

Корхона даромадлиги таҳлил қилишда биринчи навбатда харажатлар ва уларни оптималлаштириш йўлларида эътибор қаратилади. Яъни, харажатлар тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш, харажатларни камайтириш, оптималлаштириш ҳисобига фойда суммасини оширишга

қаратилган хулосалар, чора-тадбирлар ишлаб чиқишига эътибор қаратиш лозим. Шу боис, тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий таҳлилни ташкил этишда харажатлар таҳлили ва уни ташкил этиш ҳам иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Харажатлар таҳлилини амалга ошириш учун ҳам биринчи навбатда улар тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли ахборот манбаи шакллантирилиши лозим. Бу борада ҳам турли тадқиқотлардан турлича қарашлар келтирилган.

Жумладан, Ҳоқуэ харажатлар тўғрисидаги маълумотлар бошқариш учун муҳим эканлигини келтириб, нархларни белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини келтиради, аммо, унинг тадқиқотларида кейинчалик маҳсулот билан боғлиқ бошқа турдаги қарорларда ахборотнинг аҳамиятини ҳисобга олинмаган [8].

Муаллифлар С.М.Бычкова ва Д.Г.Бадмаевлар ўз тадқиқотларида корхоналарда харажатларни таҳлил қилиш уларни самарадорлиги ва мақсадлигини баҳолаш ҳамда натижалар харажатларни бошқариш жараёнида вужудга келадиган муаммолар, оператив бошқарув чораларини ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилишини таъкидлашади [9].

В.П.Павельев, Е.В.Павельевалар эса, корхоналар бошқариш самарадорлигини баҳолашда омилли таҳлилдан фойдаланиш масалалари ҳусусида тадқиқот олиб бориб, асосий эътиборни материал-моддий харажатларни бошқариш таҳлили бўйича мулоҳазалар юритишган [10].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилинди, транспорт корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этишда назарий ўрганиш, илмий мушоҳада, таққослаш каби усуллар орқали тадқиқ этилди.

Таҳлил ва натижалар. Юқоридагилардан кўринадикки, бухгалтерия ахбороти иқтисодий таҳлилнинг қайси турига киришидан қатъи назар муҳим ҳисобланади. Жумладан, бухгалтерия ахбороти молиявий таҳлилга қаратилган бўлиши, бошқарув таҳлиliga қаратилган бўлиши ёки солиқлар таҳлиliga қаратилган бўлишига қарамай ҳар доим унга зарурият бир хил. Шу боис, темирйўл транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этишда айнан мана шу томондан ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Бунда бухгалтерия ҳисобининг қайси объекти таҳлил қилинганда ҳам ўша объект бўйича етарли ва ишончли ахборот манбаини шакллантириш лозим. Акс ҳолда таҳлил ва унинг натижалари ишончсиз бўлиб, қабул қилинадиган бошқарув қарорлари корхона ривожланишига хизмат қилмаслиги мумкин.

Шу билан бирга таҳлил ишларини ташкил этишда тармоқ хусусиятларини ҳам ҳисобга

олиш лозимлиги ҳам тадқиқотларда алоҳида ўрганилган. Транспорт корхоналарида таҳлил ишларини ташкил қилиш бўйича илмий тадқиқотчилар, олимлар ва мутахассилар томонидан олиб борилган тадқиқотларда бир қанча таҳлил қилиниши лозим бўлган кўрсаткичлар келтирилган. Жумладан, Е.А. Королева, Д.Б. Бажиналар транспорт ташкилотлари фаолияти кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил усуллари орқали баҳолаш бўйича олиб борган тадқиқотлари натижасида транспорт ташкилотларини бошқариш мақсадида иқтисодий таҳлилни ташкил этишда иқтисодий таҳлилнинг турли усуллари тадқиқотларда келтириб ўтилаётганлиги, мақсад транспорт хизматлари самарадорлигини аниқлаш ҳамда ташиш хизматларини иқтисодий таҳлил усуллари асосида ташкил қилиш лозимлигини таъкидлайди [11]. Шу билан бирга, муаллиф бугунги кунгача олимлар томонидан бир қанча иқтисодий таҳлил усуллари таклиф қилинган бўлсада, интеграл усулини қўллаш самаралироқ эканлигини асослаб, бу усулдаги аниқликка алоҳида эътибор қаратади. Усулни қўллаш орқали транспорт ташкилотлари фаолияти натижаларига таъсир қилувчи турли омилларни аниқ ҳисоблаш имконияти борлигини эътироф этади. Бир вақтнинг ўзида ушбу таҳлил натижалари ўз навбатида транспортда ташиш хизматларини ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини келтириб ўтади.

А.А.Бырбыткин ўзининг тадқиқотларидан бирида транспорт ташкилотларида иқтисодий таҳлил усуллари ҳақида фикр юритар экан, ташкилотнинг хизмат кўрсатиш, бозор ва молиявий фаолиятини, тўловга қобилиятсизлигини бир вақтнинг ўзида банкрот бўлиш эҳтимолигини баҳолаш лозим эканлигига тўхталиб ўтади [12]. У томонидан олиб борилган тадқиқотда транспорт ташкилотларининг қобилиятсизлик ва банкрот бўлиш эҳтимолиги масалалари кўпроқ ёритилади. Муаллиф, транспорт ташкилотларининг нафақат умумий молиявий ҳолатини, балки техник, кадрлар билан таъминланганлиги, тугалланмаган ишларни тугаллаш имкониятлари, транспорт ташкилоти банкрот бўлишига таъсир қилувчи бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлайди.

Мазкур тартибда таҳлилдан фойдаланиш, иқтисодий таҳлилнинг ташкил этилиши, транспорт ташкилотларининг тўловга қобилиятлиги ҳамда банкрот бўлиш эҳтимолини олдини олиш бўйича чоралар кўришига олиб келишини келтириб ўтади.

Ҳозирги кунда молиявий ҳисоботлар ва у билан боғлиқ ахборотлар шуниси билан аҳамиятлики, 2021 йилдан бошлаб, акциядорлик

жамиятлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтадилар. Демакки, 2022 йилнинг биринчи чорагида, 2021 йил учун йиллик ҳисобот молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида шакллантирилади. Бунда, молиявий ҳисоботлар таҳлилида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтмаган субъектлар учун алоҳида, халқаро стандартларга ўтган субъектлар учун алоҳида таҳлил методикаси, молиявий ҳисобот ахборотидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. Бу тартиб ишлаб чиқилишида ахборотлардан самарали фойдаланиш билан бирга иккала ҳолат, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтган ва ўтмаган субъектлар учун ҳам таҳлил натижалари ишончли бўлишига эришиш лозим.

Демак, темирйўл транспорти корхоналарида биринчи навбатда ҳисоб ахборотининг шакллантирилиши, тўлиқлиги ва ишончлигини таъминлаш лозим. Шу боис, биз томонидан, ҳозирги кунда амалдаги меъёрий-ҳужжатлар асосида шакллантириладиган молиявий ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтган акциядорлик жамиятлари учун халқаро стандартлар асосида шакллантирилган ҳисоботлар бўйича иқтисодий таҳлилни ташкил этишда ахборотларни шакллантириш ва улардан таҳлил жараёнида фойдаланиш бўйича хулосалар шакллантириш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб тадқиқот олиб берилди.

Темирйўл транспорти корхоналарида молиявий ҳисоботларнинг шакллантирилиши ва ундаги ахборотнинг тўлиқлиги биринчи навбатда инвесторлар учун муҳим ҳисобланади. Чунки, ўрганишлар шуни кўрсатдики, темирйўл транспорти корхоналарида ташқи инвестицияларнинг улуши бир мунча юқори бўлиб, узоқ муддатли ташқи манбалар ҳисобидан кўплаб лойиҳалар амалга оширилган. Шу боис, молиявий ҳисоботлардаги ахборотларнинг тўлиқ ва ишончли бўлиши зарурият ҳисобланади.

Темирйўл транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этишда бухгалтерия ахборотининг, жумладан молиявий ҳисобот маълумотларининг аҳамияти хусусида тўхталадиган бўлсак, албатта ахборотнинг аҳамияти юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқотларда келтирилишича, барча зарур ахборотларнинг тахминан 50 фоизи, асосан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари эгалланган бўлиб, ташкилотларда бошқарув тузилмалари учун бухгалтерия маълумотларига бўлган талабнинг улуши юқори [1].

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига кўра, бухгалтерия ахбороти бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосланган,

бухгалтерия ҳисоби регистрларида, молиявий ҳисоботларда, тушунтиришларда ҳамда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда акс эттириладиган бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги қайта ишланган маълумотлар бухгалтерия ахбороти ҳисобланади [2].

Қонунда келтирилган таърифдан кўришимиз мумкинки, бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги қайта ишланган маълумотлар бухгалтерия ахбороти ҳисобланиб, активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, зарарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари каби бухгалтерия ҳисобининг объектлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Р.Лане ва С.Дурденларда келтирилишича, “Бухгалтерия ҳисоби тизими ташкилотнинг муҳим манбаи ҳисобланади, чунки, у қарор қабул қилиш учун бошқарув амалиётини зарур маълумотлар билан таъминлашда ишлайди[3]. Скиннер эса, агар, нарх жуда юқори ўрнатилган бўлса, мижоз юз ўгириши мумкин. Аммо, юқори нарх мижознинг истаги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкинлигини эслатиб ўтади [4].

Лангфилд-Смит ва бошқалар харажатларни ҳисобга олиш тизими режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқ қарорлар учун менежерларга маълумот бериш учун мўлжалланган[5].

Д.Топор ва бошқалар эса, “менежмент бухгалтериясидан олинган маълумот янги қарорларни ишлаб чиқиш ва пойдеворга қандай таъсир кўрсатишини ва шу сабабли бошқарув ҳисоби билан маълумот ўртасидаги муносабатни яхшироқ тушунишни англадилар ва қарор қабул қилишда бошқарув ҳисоби томонидан тақдим этилган маълумотларнинг самарадорлигини ва ишлаб чиқариш жараёнини тезкор бошқаришга хизмат қилишини таъкидлайдилар” [7].

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги тадқиқотлардан хулоса қилиш мумкинки, бухгалтерия ахбороти шунчаки маълумот эмас, у кўпчиликка фойдали бўлиши учун қайта ишланган бўлиши лозим. Шу билан бирга бу ахборот нафақат инвесторлар учун балки хўжалик юритувчи субъект учун турли бошқарув қарорлари, чора-тадбирлар белгилаш учун асос бўлиши лозим.

Фикримизча, харажатлар таҳлилинини амалга оширишда ҳар қандай тармоқ, жумладан темирйўл транспорти корхоналарида иш ва хизматларнинг бажарилиши ва унинг реализацияси билан бирга, бошқа ҳар қандай давр, молиявий ва бошқа харажатларни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Яъни, харажат фақат таннархни шакллантирилиши билан боғлиқ деб

қарамаслик лозим. Бундай қараш корхона мо- беришга хизмат қилмайди.
лиявий натижасига тўлиқ ва холисона баҳо

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ovidia D. The role of management accounting in the decision making process: case study caras severin county, *Annales Universitatis Apulensis Series Oeconomica*, 2013, vol. 15(2), pp. 355-366.
2. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни, 2016 йил 13 апрель
3. Lane P., & Durden C. (2013). Pricing decisions and the role of cost accounting systems and cost information in tourism organisations.
4. Skinner, R. C. (1970). The determination of selling prices. *The Journal of Industrial Economics*, 201-217.
5. Langfield-Smith, K., Thorne, H., & Hilton, R. W. (2009). *Management accounting: for creating and managing value* (5th ed.): McGraw-Hill Higher Education, North Ryde.
6. Alahdal W. M., Alsamhi M. H., T. "Prusty The Role of Cost Accounting System in the Pricing Decision-Making in Industrial Companies of Taiz City, Yemen" *International Academic Journal of Accounting and Financial Management* Vol. 3, No. 7, 2016, pp. 70-78. ISSN 2454-2350
7. Topor, D., Ioana, D., & Putan, A. (2011). The role of cost information in decision-making. Case study. *Annales Universitatis Apulensis: Series Oeconomica*, 13(2), 315.
8. Hoque Z. (2000). Just-in-time production, automation, cost allocation practices and importance of cost information: an empirical investigation in New Zealand-based manufacturing organizations. *The british accounting Review*, 32(2), 133-159.
9. Бычкова С.М., Бадмаева Д.Г.. Бухгалтерский учет и анализ расходов организации. экономика и земельные ресурсы
10. Павельев В.П., Павельева Е.В. Применение факторного анализа для оценки эффективности управления предприятием. *известия МГТУ «МАМИ» № 4(18)*, 2013, т. 1. серия 5. Социально-экономические науки.
11. Королева Е.А., Бажина Д.Б. оценка показателей деятельности транспортных организаций на основе методов экономического анализа
12. Бырбыткин А.А. Методы экономического анализа деятельности транспортных организаций для выявления признаков несостоятельности и преднамеренного банкротства. *Transport business in russia*, №2. 2017 й, 144-155 стр.



**ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТИЗИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
ОРҚАЛИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАСИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a57

Махкамова Мамлакат Абдикадировна -
Тошкент давлат техника университети
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Юсупходжаева Гулчехра Бахадирходжаевна -
Тошкент давлат техника университети
иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (Phd)

Анотация: Мақолада рақобат салоҳиятини бошқаришда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, фаолиятнинг янги соҳаларини ўзлаштириш, институционал ва ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда бунинг учун қўшимча меҳнат ресурслари стратегиясини шакллантиришнинг ўзаро боғланган таркибий қисмлари кўриб чиқилди. Транспорт тизимида бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш мураккаблиги ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда, рақобат салоҳиятини бошқариш даражасини баҳолашда минимал транспорт стандартлари асосидаги услубий ёндашув такомиллаштирилди. Замонавий шароитларда корхона рақобат салоҳиятини оширишда аутсорсингни қўллаш имкониятлари ўрганилиб, халқаро амалиётда логистик тизимда аутсорсингни қўллашнинг шакл ва усуллари таҳлили асосида автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишда аутсорсингнинг қўлланилиши мумкин бўлган фаолият йўналишлари асослаб берилди. Автомобиль транспорти тизимида транспорт-логистика хизматларини кўрсатишда аутсорсингдан фойдаланишга ундовчи омилар таҳлили асосида уни қўллашнинг устунликлари ва камчиликларини тизимлаштириш.

Калит сўзлар: рақобат, салоҳият, бошқарув, автомобил транспорт, логистика, аутсорсинг, рақобатдошлик, интеллектуал транспорт тизимлари.

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАБОТЫ АВТОТРАНСПОРТНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ ЗА СЧЕТ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ СИСТЕМ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

Махкамова Мамлакат Абдикадировна -
Ташкентский государственный технический университет
доктор экономических наук, профессор
Юсупходжаева Гулчехра Бахадирходжаевна -
Ташкентский государственный технический университет
доктор философии по экономике (Phd)

Анотация: В статье рассматриваются взаимосвязанные составляющие расширения производственных мощностей при управлении конкурентным потенциалом, развитии новых направлений деятельности, совершенствовании организационно-правовой базы, а также формировании стратегии дополнительных трудовых ресурсов. В связи со сложностью и содержанием оценки эффективности управленческой деятельности в транспортной системе усовершенствован методологический подход к оценке уровня управления конкурентоспособностью на основе минимальных транспортных нормативов. Изучены возможности использования аутсорсинга в современных